2017 йил 17 февраль, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 34 (13.367)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## МАДАНИЯТ ВА СПОРТ СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, мустақиллик йилларида халқимизнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, юксак маънавият, миллий ўзига хослик ва халқ анъаналарининг мавжуд кўп асрлик сарчашмаларини бутун чоралар билан ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама баркамол шахслар жамиятини барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Аҳолининг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўла қондиришга, театр, мусиқа, тасвирий санъат ҳамда бошқа санъат турларини ривожлантиришга, халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи асарлар яратишда ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди. Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш бўйича тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиш ва юксак марраларни забт этишга қодир маҳоратли спортчилар тайёрлашнинг самарали тизими яратилди.

Шу билан бирга, мавжуд давлат бошқаруви тизими маданият ва спортни ривожлантириш муаммоларини комплекс ҳал этиш, шунингдек, мазкур соҳаларда давлат сиёсатини самарали амалга оширишни тўлиқ даражада таъминлаш имконини бермайди. Зиммасидаги вазифалар кўлами кенглиги ва аҳамияти катталигига қарамай, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари билан фаол ҳамкорлик таъминланмаяпти, унинг фаолияти эса кўпинча маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ўтказиш билангина чекланиб қолмоқда.

Маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари, объектлари ва иншоотларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари ҳамон ўз ечимини топган эмас. Маданият ва спорт соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими замонавий талабларга жавоб бермайди.

Маданият ва спорт соҳасидаги бошқарув тизимини такомиллаштириш, мазкур соҳада Ўзбекистон халқининг бой ва ўзига хос маданияти, санъати ва ижодиётини янада ривожлантиришни таъминлашга йўналтирилган давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини тубдан юксалтириш, аҳоли кенг қатламлари орасида маънавий-ахлоқий камолот ва соғлом турмуш тарзига интилишни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тугатилсин ва унинг негизида:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари этиб белгилансин:

маданият соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, миллий маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаш ва кўпайтириш, санъат ва бадиий ижодни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимизнинг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада юксалтиришни рағбатлантириш, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш борасида тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли кенг қатламлари, айниқса, ёшлар қалби ва онгига мустақиллик, юксак маънавият, инсонпарварлик анъаналарига садоқат, миллий ўзликни англаш ғояларини янада чуқур сингдириш, радикализм ва экстремизмдек ёт ғояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, жамиятнинг муттасил ортиб бораётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган оммавий-маданий тадбирларни ўтказишга қаратилган маърифий ишларни амалга ошириш;

бадиий ижод, шу жумладан, театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш, халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи асарлар яратишда ижодий жамоаларга, айниқса, ижодкор ёшларга ҳар томонлама кўмаклашиш;

маданият муассасалари, жумладан, театрлар, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, маданият ва истироҳат боғлари, музейлар ҳамда бошқа маданий-маърифий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш, маънавий етук, интеллектуал баркамол ва юксак маданиятли шахсларни тарбиялаш ишида ушбу муассасалар имкониятларидан янада тўлиқ фойдаланиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жумладан, маҳаллий ҳокимият идоралари, жамоат ташкилотлари, ўқув юртлари, ижодий уюшмалар ва бошқа ташкилотлар билан фаолиятнинг асосий вазифа ҳамда йўналишларини, маданий-маърифий тадбирларни амалга оширишда, маданият ва ижодий муассасалар ишининг самарадорлигини таъминлашда мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш;

маданият соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнини миллий ва умуминсоний қадриятлар, инсонпарварлик ва юксак маънавият руҳида такомиллаштириш, бунда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, илғор халқаро тажрибалардан фойдаланиш, маданий-маърифий муассасалар ва ўқув юртларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш;

давлатлараро ва халқаро маданий алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг маданий меросини, мамлакатимиз ижодий жамоалари ва муаллифлари асарларини, жумладан, конференциялар ва кўргазмалар, маданий тадбирлар ва анжуманлар ўтказиш йўли билан чет элларда кенг тарғиб қилиш, маданият соҳасига хорижий инвестициялар ва грантлар жалб этиш, шунингдек, маданият соҳасига оид оммавий адабиётларни чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҲАМЖИҲАТЛИК – ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

***Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонини халқимиз хайрихоҳлик билан кутиб олди. Халқимиз ҳаётини обод этиш йўлида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ижросига камарбаста бўлиш туйғуси ҳар бир юртдошимиз қалбида, ўй-фикрида...***

HARAKATLAR STRATEGIYASI 2017-2021

**Виктор ПАК, Ўзбекистон корейс маданият марказлари уюшмаси раиси:**

– Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарасини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Дарҳақиқат, бугунги тезкор замон янги мақсадларни қўйиш ва уни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўзига хос тараққиёт йўлини танлаб, бу йўлда жаҳон аҳли тан олган ютуқларга эришди. Ана шулардан энг муҳими – бу халқимизнинг тинчлик-осойишталикда, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечириши билан бирга миллий давлатчилик асослари мустаҳкамланганидир.

Тараққиётимизнинг янги стратегиясида миллатлараро тотувлик масаласига алоҳида урғу берилгани 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ яшаётган юртимиз келгусида янада тараққий этишини таъминлайди. Зеро, улар умумий уйимиз – Ўзбекистонимиз равнақи йўлида бирлашиб, барча соҳа ва тармоқларда фидокорона меҳнат қилмоқда.

*(Давоми 3-бетда)*

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида**

## ОМБУДСМАН 2016 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ ДЕПУТАТЛАРГА ТАҚДИМ ЭТДИ

***Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар.***

Ушбу масала дастлаб сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг мажлисларида батафсил муҳокама қилинган эди. Ўтказилган мажлислар давомида депутатлар томонидан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳал этишда Омбудсманнинг бевосита иштирок этиши орқали унинг фаолияти сифатини оширишга қаратилган таклифлар билдирилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили У.Муҳаммадиев ҳисобот билан сўзга чиқди. Омбудсман фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан ўзи томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисида депутатларга маълумот берди.

Ҳисоботда таъкидланганидек, 2016 йил давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатлари тизимини тубдан ўзгартирган воқеаларга тўла бўлди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга, марказда ва жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарини очишга доир қабул қилинган қарорлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Давлатимиз раҳбарининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Киритилаётган ушбу янгиликлар умумий мақсад – давлат ва жамиятнинг жадал ривожланишини таъминлаш, фуқароларнинг муносиб ва фаровон ҳаёти учун шароитлар яратиш, уларнинг шахсий, сиёсий, социал ва иқтисодий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали амалга оширишдан иборат.

*(Давоми 3-бетда)*

***2016 йил сентябрь ойида Москвада ўтказилган "Тўқимачилик ва енгил саноат – 2016" тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари, техника ва технологиялари халқаро ярмаркасида "Sedat Triko Tashkent" масъулияти чекланган жамиятининг "Made in Uzbekistan" бренди остидаги маҳсулотлари юксак баҳоланди.***

**ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ**



**Иқтисодиёт**

## ЮҚОРИ СИФАТ, ЗАМОНАВИЙЛИК ВА ҚУЛАЙ НАРХ – КОРХОНА ШИОРИ

Корхонанинг рақобатбардош, юксак дид ва замонавий дизайн билан ажралиб турувчи тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари хорижлик ҳамкорларга манзур бўлди. Корхона ярмарканинг махсус сертификатига муносиб топилди.

Мамлакатимизда тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш, пахта толасини қайта ишлашни кенгайтириш ва юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Пахта толасини қайта ишлаш билан бир қаторда тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмлари, матолар, гилам тўқиш, пайпоқ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кенгаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги "2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди.

"Sedat Triko Tashkent" Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган ип-калава, мато, турфа хилдаги тикувчилик-трикотаж товарлари, махсус кийимлар, пойабзаллар учун аксессуарлар, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ички бозорга етказиб берилиши билан бир қаторда экспорт қилинмоқда. 2016 йилда экспорт ҳажми 2015 йилга нисбатан 70 фоизга ошди, 95 нафар янги иш ўрни яратилди.

– Фаолиятимизнинг дастлабки йилларида кийим-кечак ва пойабзаллар учун аксессуарлар ишлаб чиқариш билан шуғулланар эдик, – дейди ЎзА мухбирига корхона бош муҳандиси Ҳакан Оздемир. – Бугунги кунда маҳсулотларимиз турини кўпайтириб, уларни экспорт қилишга эришдик. Корхонамизга Италияда ишлаб чиқарилган замонавий тўқув дастгоҳлари ўрнатилди. Ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз. Зеро, юртингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича барча шарт-шароитлар яратилган.

2017-2018 йилларда корхона маҳсулотларини Европа бозорларига чиқариш режалаштирилган.

*(Давоми 3-бетда)*

**XXI аср садоси**

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

**МАМЛАКАТИМИЗДА**

**• Хоразмда давлат органлари ва ташкилотларида юридик хизмат фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Вилоят адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган семинарда судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъул ходимлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, туман ва шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари ва журналистлар иштирок этди.**

**• Самарқанд вилояти прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"-ги қонуни мазмун-моҳиятини тушунтириш, коррупция ҳолатларининг олдини олишга бағишланган семинар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Жумладан, вилоят давлат солиқ бошқармасида ташкил этилган тадбирда ҳуқуқ-тартибот органлари ва солиқ идоралари ходимлари, тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди.**

**• Андижонда ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакили, олим ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 534 йиллиги муносабати билан адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

**• Фарғона политехника институтида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар бандлигини таъминлаш, уларга муносиб иш ўринлари яратиш мақсадида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ярмаркада 124 корхона ва ташкилот 770 бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмаркада бўш иш ўринлари билан иштирок этаётган йирик корхона-ташкилотлар, муассасалар вакиллари билан ёшларнинг иш ўрни танлаш ва мавжуд меҳнат шароитлари ҳақида мулоқоти бўлиб ўтди. Ярмаркада ёшларнинг 80 га яқинига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.**

**ЖАҲОНДА**

**• Фаластиннинг Ғазо секторида тинимсиз ёмғир ёғиши туфайли кучли сув тошқинлари келиб чиқди. Табиий офат натижасида оқава сув тизимининг мукаммал эмаслиги туфайли хонадонларни ҳам сув босмоқда.**

**• Австриянинг Грац шаҳри фуқароси ижарага олган уйнинг ертўласидан 269,5 минг евро топиб олди ва бу ҳақда зудлик билан полицияга хабар берди. Маълум қилинишича, янги уйга кўчиб ўтган пайтда ертўлани тозалаётганда у 500 евролик банкнотлар пачкаси жойлаштирилган қутини топиб олди. Виждонли фуқаро пуллар жиноят билан боғланган бўлиши мумкин, дея ўйлаб дарҳол полицияга мурожаат қилган.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# МАДАНИЯТ ВА СПОРТ СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари этиб белгилансин:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида аҳоли кенг қатламини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонларидаги ютуқларини тарғиб қилиш ва унинг кенг эътироф этилишига қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар, қишлоқ аҳолиси ўртасида спорт ҳамда жисмоний тарбия билан шуғулланишни оммалаштириш борасида кенг кўламли ишларни ташкиллаштириш, шаҳарлар ва туманларда оммавий спорт тадбирлари, миллий спорт турлари бўйича халқ ўйинлари ва мусобақаларини мунтазам ўтказиб бориш;

болалар, айниқса, қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этган ҳолда, болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, жумладан, қишлоқ ва олис туманларда болалар спорт объектлари тармоғини янада кенгайтириш, уч босқичли "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари ўтказилишини ташкил қилиш, бунинг асосида болалар соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларнинг жисмонан баркамол ривожланишини таъминлаш;

Миллий олимпия қўмитаси, спорт турлари бўйича федерациялар ва ассоциациялар билан биргаликда истеъдодли ва истиқболли спортчиларни танлаш, тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш, уларнинг Олимпия ва Осиё ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида, бошқа нуфузли халқаро мусобақалар ва турнирларда муваффақиятли иштирок этишини таъминлаш учун сифатли спорт захираси ва мамлакат терма жамоалари таркибларини шакллантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

мамлакатимизда профессионал спортни ривожлантириш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологиялар жорий этилиши, спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар кўришни рағбатлантириш;

жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ташкилотлари, объектлари ва иншоотларининг оммавий спорт, болалар спорти ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланишни таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларини мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда қатнашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали мураббийлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш;

спорт соҳасида давлатлараро ва халқаро спорт алоқаларини кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига хорижий инвестициялар ва грантлар жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этишга кўмаклашиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид оммавий адабиётлар чоп этиш, видео ва кино материаллар тайёрлаш.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида:

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси негизида "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси;

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бўйича кенгаш ҳузуридаги Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси негизида бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинсин.

Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи ажратмалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва даромадларидан ажратмалар Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси даромадларининг манбалари этиб белгилансин, Жамғарма маблағлари "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси таъминотига, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ва ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилсин.

5. Фаолиятни ўрганиб чиқиш натижаларини ҳисобга олиб, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Артмадад" махсус жамғармаси ва "Ўзбекмузей" жамғармаси тугатилсин ҳамда мазкур ташкилотларнинг функциялари ва мол-мулки Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига топширилсин.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тузилмасидаги Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи, В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи, Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, шунингдек, "Истиқлол" ва "Туркистон" санъат саройлари – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимига;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тузилмасидаги Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро аппарати, спорт мактаблари ҳамда спорт йўналишидаги мактаб-интернатлар, Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази – Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тизимига топширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги 2002 йил 24 октябрдаги ПФ-3154-сонли Фармони билан унга тақдим этилган асосий вазифалар, ҳуқуқлар, имтиёзлар ва молиялаштириш манбалари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасида сақлаб қолинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Комиссия (А.Н.Арипов) белгиланган тартибда бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигини қайта ташкил этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этишга доир барча масалалар ҳал этилишини;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси марказий аппаратига малакали мутахассислар ҳар томонлама танлаб олиниши ва кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг барча мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномаларнинг ўзига тегишли қисми бўйича унинг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш юзасидан Ҳукумат қарорларини қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги ва Меҳнат вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2017 йилнинг 1 июлига қадар маданият ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тақдим этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

12. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 15 февраль*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "МАДАНИЯТ ВА СПОРТ СОҲАСИДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон халқига меҳнатсевар ва маърифатпарвар аждодларимиздан бадиий ижодкорлик, меъморчилик ва ҳунармандчиликнинг қадимий мактаблари ва анъаналарига эга ноёб ва ўзига хос маданий мерос қолган. Бизгача етиб келган ва нафақат миллий, балки жаҳон маданий меросининг ажралмас қисми бўлган бебаҳо бадиий, тасвирий, амалий, меъморий санъат асарлари ва ёдгорликлари, халқ қўшиқлари, рақслари, спорт ўйинлари ва турлари бунинг ёрқин тасдиғидир.

Мустақиллик йилларида эркин демократик ривожланиш йўлини танлаган мамлакатимиз олдида миллий маданият ва санъатимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва янада ривожлантириш, уни замонавий жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳисобидан бойитиш, ўсиб келаётган авлодни кўп асрлик анъана ва маънавий-ахлоқий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш бўйича масъулиятли ва мураккаб вазифалар турган эди.

Маданият ва спорт соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсати халқимизнинг улкан интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш, барқарор ривожланган, жисмонан бақувват ва маънан етук шахслар жамиятини барпо этиш, аҳолининг ўсиб бораётган маънавий ва эстетик эҳтиёжларини таъминлаш, маданият ва спорт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 39 театр, 175 музей, мингдан зиёд аҳоли дам олиш ва маданият марказлари, истироҳат боғлари, 301 болалар мусиқа ва санъат мактаби, 296 болалар ва ўсмирлар ҳамда республика даражасидаги спорт мактаби, 51 мингга яқин спорт мажмуаси, стадионлар ва иншоотлар фаолият кўрсатмоқда, 2,7 миллиондан ортиқ бола спорт, мусиқа ва санъат билан мунтазам шуғулланмоқда. Маданият ва санъат, спорт ва жисмоний тарбия соҳасида 69 минг ходим меҳнат қилмоқда.

Шу билан бирга, маданият ва спорт соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигининг танқидий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан мутасадди орган сифатида ўз олдига қўйилган кенг кўламли масалаларнинг тўлиқ ижроси таъминланмаган, айниқса, давлат бошқаруви ва жойлардаги ижро ҳокимияти органлари фаолиятини мазкур соҳада мувофиқлаштириш, маданий-маърифат ва спорт-соғломлаштириш муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича ишлар етарли даражада олиб борилмаган.

Бундан ташқари, ҳаётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, битта вазирликда маданият ва спорт каби иккита кўпқиррали ва мураккаб соҳаларнинг бирлаштирилиши оммавий жисмоний тарбияни ривожлантириш, истиқболли спортчиларни саралаш тизимини такомиллаштириш, ҳудудларда театр, мумтоз мусиқа ва бошқа санъат турларини кенг оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини юксалтириш имконини бермаяпти.

Натижада Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ўз иш фаолиятида кўп ҳолларда барча мавжуд ресурс ва имкониятларини байрамлар маданий тадбирларини ўтказишга ва муҳим халқаро спорт мусобақаларига тайёргарлик кўришга йўналтириш билан чегараланиб қолган. Юзага келган салбий ҳолатларни бартараф этиш учун вазирлик фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш зарурати пайдо бўлди.

Ўзбекистон Републикаси Президентининг "Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу соҳада давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини кескин ошириш, Ўзбекистон халқининг бой ва ўзига хос маданияти, санъати ва ижодини янада ривожлантиришни таъминлаш, аҳоли кенг қатлами ўртасида маънан ва ахлоқан комил инсон бўлишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга интилишни рағбатлантиришга йўналтирилган.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тугатилади ва унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил этилади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Фармонга кўра, Маданият вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг ушбу соҳаларда давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича барча жабҳасини қамраб олувчи қуйидаги асосий вазифа ва фаолият йўналишлари белгиланган:

миллий маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, санъат ва бадиий ижодни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг маънавий-ахлоқий ва маданий даражасини янада оширишни рағбатлантириш, уни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништириш бўйича тизимли чораларни амалга ошириш;

аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшлар онги ва қалбида мустақиллик ғоясига, юқори маънавият ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғулари янада чуқур илдиз отиши, радикализм ва экстремизмдек ёт ғояларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, жамиятнинг ўсиб келаётган интеллектуал, эстетик ва маданий эҳтиёжларини таъминлашга йўналтирилган маданий-оммавий тадбирлар ўтказиш бўйича ишларни ташкил этиш;

бадиий ижоднинг ривожланишини янада рағбатлантириш, ижодий жамоаларга, айниқса, ижодкор ёшларга ҳар томонлама кўмаклашиш, маданият муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг имкониятларидан маънан етук, интеллектуал ривожланган ва юқори маданиятли шахсларни тарбиялаш ишларида янада тўлароқ фойдаланиш;

аҳолининг кенг қатламлари ўртасида спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишни оммалаштириш бўйича кенг кўламли ишларни ташкиллаштириш, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш, спорт ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз корхоналарида спорт жиҳозлари ва инвентарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этиш;

болалар, айниқса, қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш, болалар спорт таълими сифатини ошириш орқали барча ҳудудда болалар спорт объектлари тармоғини янада кенгайтириш, шу асосда болалар соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларнинг барқарор жисмоний ривожланишини таъминлаш;

иқтидорли ва истиқболли спортчиларни саралаш, тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, Олимпия ва Осиё ўйинларида, жаҳон ва Осиё чемпионатларида ҳамда бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашишни таъминлаш учун мамлакат терма жамоаларининг асосий таркиби ва сифатли спорт захирасини шакллантириш;

замонавий технология ва илғор халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнини такомиллаштириш, маданият ва спорт соҳасида муассасалар ва ўқув юртларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, давлатлараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш.

Фармонга биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов раҳбарлигида Маданият вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш бўйича Комиссия тузилди. Комиссияга бир ой муддатда Маданият ва спорт ишлари вазирлигини қайта ташкил этиш бўйича барча масалаларни ҳал этиш, Маданият вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг марказий аппаратига малакали мутахассисларни ҳар томонлама саралаш ва кадрлар билан тўлдиришни таъминлаш топшириғи берилган.

Таъкидлаш жоизки, Фармонга биноан "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва "Ўзбекрақс" миллий рақс бирлашмаси негизида Маданият вазирлиги ҳузурида "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси ташкил этилган. Ушбу муассаса ўзида 2,5 минг ижодий жамоа ва ижрочиларни бирлаштиради ҳамда мусиқа, хореография ва эстрада санъатини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш самарадорлигини кучайтириш, Ўзбекистон халқининг маънавияти, ёркин ва ўзига хос маданиятини ёритувчи юксак бадиий ва сифатли асарлар яратишга ҳар томонлама кўмаклашиш имконини беради.

Фармонга биноан "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси фаолиятини молиялаштириш, маданият муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, уларни жиҳозлаш ва таъмирлаш, маданият ва санъат арбобларининг халқаро фестиваллар ва конкурсларда иштирок этишини таъминлаш, Маданият вазирлиги муассасалари кадрлари малакасини ошириш ва моддий рағбатлантириш учун бюджетдан ташқари Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасини тузиш назарда тутилган.

Мусиқий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Халқ таълими вазирлигига қарашли Р.Глиэр ва В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган академик мусиқа лицейлари, Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи, 301 болалар мусиқа ва санъат мактаби Маданият вазирлиги тизимига ўтказилди.

Маданий-оммавий тадбирларни юқори даражада ўтказишни кенгайтириш мақсадида "Истиқлол" ва "Туркистон" санъат саройлари Тошкент шаҳар ҳокимияти ихтиёридан Маданият вазирлиги тасарруфига ўтказилди, уларнинг ўз даромадлари билан қопланмайдиган қисмидаги харажатларини молиялаштириш учун республика бюджетидан маблағ ажратилиши белгиланди.

Болалар спортини ривожлантириш ва оммавийлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларни сифат жиҳатидан кучайтириш, болалар спорти объектларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, спорт таълими ва спорт захираларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро аппарати, спорт йўналиши бўйича 256 спорт мактаби ва спорт йўналишидаги мактаб-интернатлари Халқ таълими вазирлиги ихтиёридан Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тасарруфига ўтказилди.

Маданият вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлигига бошқа тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда 2017 йилнинг 1 июлига қадар маданият ходимларига иш ҳақини тўлаш ва уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритиш топшириғи берилди.

Фармонни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Маданият вазирлиги ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарорлари қабул қилинган, ушбу қарорларда уларнинг ташкилий тузилмалари, марказий аппарати тузилмалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги ҳудудий бошқармалари тузилмалари тасдиқланган.

Маданият вазирлиги тизимида маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштириш, маданий-маърифий муассасалар ва номоддий меросни ривожлантириш, соҳадаги таълим муассасаларини методик таъминлаш, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тизимида эса спорт ва спорт таълими муассасаларини илмий-методик таъминлаш, спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларни шакллантириш ва тайёрлаш бўйича янги бўлинмалар ва штат бирликлари назарда тутилган, икки давлат бошқаруви органи тузилмасига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича мутахассислар лавозими киритилган.

Спорт ташкилотлари, таълим ва спорт таълими муассасаларини юқори малакали мураббийлар ва спорт мутахассислари билан таъминлашни кенгайтириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказини қайта ташкил этиш ва унинг Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти қошидаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказига қўшилиши назарда тутилган.

Маданият вазирлигига тегишли вазирлик ва ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда ўзбек рақсининг бой тарихий анъаналарини қайта тиклаш ва асраб-авайлашга йўналтирилган Ўзбекистон миллий рақсини янада ривожлантириш бўйича ўрта муддатли чора-тадбирлар дастурини, шунингдек, маданият муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, барча маданият ва аҳоли дам олиш марказларида кутубхоналар ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш юзасидан берилган топшириқ миллий маданиятимизнинг келгуси ривожи учун муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар бажарилиши маданият ва спорт соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини янги сифат даражасига кўтариш, жамиятда юқори маънавий ва ахлоқий муҳитни таъминлаш, халқимизнинг жисмоний ва ижодий фаоллигини ошириш, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш учун зарур шароитлар яратиш, Ўзбекистонни санъат ва спорт дунёсида юксак натижаларга эришишга қодир истеъдодли аҳоли яшайдиган ва юқори даражада ривожланган маданиятга эга мамлакат сифатида нуфузини мустаҳкамлаш учун имконият яратади.

# ОМБУДСМАН 2016 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ ДЕПУТАТЛАРГА ТАҚДИМ ЭТДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қабул қилинаётган қарорларни, норматив-ҳуқуқий ва дастурий ҳужжатларни муҳокама қилишда давлатнинг юқори даражада очиқ бўлиши охирги пайтлардаги ислоҳотларни таърифловчи муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Бу жамиятнинг яратувчилик имкониятини бирлаштириш, ҳар бир фуқарога мамлакатимиз Президенти раҳбарлиги остида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар йўналишининг фаол ва амалдаги иштирокчисига айланиш имконини берди.

"Адолат – қонун устуворлигида" тамойили Омбудсман фаолиятининг асосига айланди.

2016 йилда Омбудсман томонидан Виртуал қабулхона ва "1096" рақамли тўғридан-тўғри алоқа телефони очилди.

Омбудсман 2016 йилда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишнинг барча босқичларида фаол иштирок этди. Омбудсман назорат-таҳлил фаолиятининг материалларидан парламент эшитувлари жараёнида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакилларининг маърузаларини муҳокама қилиш чоғида кенг фойдаланилди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш доирасида Омбудсман томонидан кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, аёллар, тўлиқ бўлмаган оилаларда тарбияланаётган болалар, етим болалар ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий маданиятни ва ижтимоий онгни юксалтириш фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини комплекс ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларнинг таркибий қисми ҳисобланади. 2016 йилда Омбудсман томонидан суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг ҳамда мамлакатимизни ва унинг минтақаларини социал-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини очиб беришга доир республика ва минтақа даражасидаги туркум тадбирлар ўтказилди.

Фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш, жойларда жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган социал-иқтисодий ва маданий дастурларга кам таъминланган оилалар аъзоларини, аёлларни, ёшларни ва кекса ёшдаги фуқароларни жалб этишга доир манзилли фаолият чоғида Омбудсманнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги чуқур ижтимоий аҳамият касб этди.

Омбудсман ва унинг минтақавий вакиллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига кўра парламент юқори палатаси томонидан қабул қилинган амнистия ҳужжатини татбиқ этишнинг қонунийлиги ва холислиги устидан парламент ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этди.

Ўзбекистон Омбудсмани Халқаро Омбудсман институтининг, Европа Омбудсман институтининг ва Осиё Омбудсманлар уюшмасининг аъзоси ҳисобланади. Омбудсман халқаро алоқаларининг ривожланишини таҳлил қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларига ва давлат дастурларига жаҳон ҳамжамиятининг қизиқиши анча ошганлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Омбудсманнинг халқаро форумларда иштирок этиши инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон тажрибасини очиб бериш имконини берди. Халқаро тадбирлар давомида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили томонидан Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Япония, Жанубий Корея, Таиланд, Литва, Латвия, Туркия ва бир қатор бошқа мамлакатлар Омбудсманлари билан учрашувлар ўтказилди.

Омбудсман ҳисоботини муҳокама қилиш мобайнида сиёсий партиялар барча фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқди. Улар томонидан давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда ва 2016 йил 14 декабрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги чиқишларидан келиб чиқувчи вазифаларни амалга оширишга доир тавсиялар билдирилди, шунингдек, Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир Давлат дастурини ижро этиш бўйича ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгиланди. Хусусан, депутатлар фикрига кўра, Омбудсман ҳузурида фаолият юритувчи Инсон конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш бўйича комиссиянинг ва Экспертлар гуруҳининг фаолиятини, Омбудсман минтақавий вакилларининг ишини кучайтириш зарур. Бундан ташқари, Омбудсман томонидан мунтазам равишда республикамизнинг чекка минтақаларида жисмоний ва юридик шахслар қабулини ўтказиш, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг сайёр мониторинг қилиш дастурларида иштирок этиш, туманлар ва шаҳарларда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга доир назорат-таҳлил фаолияти материалларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига киритишнинг долзарблиги таъкидлаб ўтилди.

Ҳар томонлама муҳокама қилиш давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2016 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқулладилар ва тегишли қарор қабул қилдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**

# ЮҚОРИ СИФАТ, ЗАМОНАВИЙЛИК ВА ҚУЛАЙ НАРХ – КОРХОНА ШИОРИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*



2016 йил корхонада янги инвестициявий лойиҳа амалга оширилди. Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида импорт ўрнини босувчи ва юқори сифатли акрил ип-калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган фабрика ишга туширилди. Ҳозир бу ерда 150 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Жорий йилда "Sedat Triko Tashkent" корхонаси ва унинг Зарафшон шаҳридаги филиалида янги лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Бу эса экспорт ҳажмини ошириш, 50 нафар янги иш ўрнини яратиш имконини беради.

"Sedat Triko Tashkent" корхонаси халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида фаол иштирок этиб келмоқда. Бу эса ички бозорни харидоргир маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида уларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини оширишга ёрдам бермоқда. Корхонанинг "Tommy Walker" бренди остида ишлаб чиқарилаётган ўсмирлар ва ёшларга мўлжалланган тўқимачилик маҳсулотлари сифат ва ҳамёнбоплиги билан хорижлик ҳамкорларга манзур бўлаяпти. "Ceylan" бренди остида эса чақалоқлар учун маҳсулотлар ассортименти етказилиб берилмоқда.

**Азима ҚИЁСОВА**

# ҲАМЖИҲАТЛИК – ЮТУҚЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мамлакатимизда бошқа миллат вакиллари каби корейс миллатига мансуб аҳолининг билим олиши, ўз она тилини ўрганиши, урф-одат ва анъаналарини ривожлантириши учун барча шароит яратилган. Давлат ва жамоат ишларида фаол иштирок этаётган, юксак давлат мукофотларига сазовор бўлаётганлар орасида турли миллат вакиллари борлигидан фахрланамиз. Бу Ўзбекистонимизда барча миллат вакиллари учун тенг имкониятлар яратилгани самарасидир. Шунинг учун Ватанимиз Ўзбекистонни жон-дилимиздан севиб ардоқлаймиз, унинг тинчлиги, тараққиётига ҳисса қўшишни ўзимизнинг фарзандлик бурчимиз, деб биламиз.

**Муҳаммадбобур ЙЎЛДОШЕВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита бўлим бошлиғи:**

– Мустақил давлат сифатида жаҳон майдонида ўз ўрни ва обрўсига эга бўлган юртимизда аждодлардан мерос бўлиб қолган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, меҳр-оқибат каби гўзал қадриятлар янги маъно-мазмун билан бойиб бормоқда. Бу – Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчликда, турли миллат ва дин вакилларининг ўзаро аҳиллигида яққол намоён бўлаётир.

Бунга мустақилликнинг илк йилларидан Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан халқимизга хос азалий урф-одат ва анъаналарни кўз қорачиғидек сақлаш, эътиқод эркинлигини таъминлаш, буюк аждодларимиз хотирасини улуғлаш, уларнинг муборак зиёратгоҳ ва қадамжоларини обод қилиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилгани мустаҳкам замин яратди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармонида диний бағрикенгликни таъминлашга алоҳида урғу берилгани шу йўналишдаги ишларни янги, янада юксак босқичга кўтариши шубҳасиз.

Айтиш жоизки, халқимиз ислом дини ва ислом цивилизациясини жаҳон цивилизацияси, кишилик тараққиёти ва маданиятининг узвий қисми, инсонни руҳий-маънавий поклаш, унинг онгу шуурида шукроналик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби боқий қадриятларни мустаҳкамлашнинг асосий омили сифатида юксак қадрлайди. Шу боис ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялаш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлардан баҳраманд этиш, замонавий илм-фан чўққиларини эгаллаши йўлида барча шароит яратилган.

Президентимизнинг 2017 йил 14 февраль куни имзолаган "Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди. Шу асосда ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк ватандошимиз Абу Исо Термизий ва термизий алломаларнинг беназир меросини янада чуқур ўрганишга кенг имкониятлар яратилади. Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилиши ана шу йўналишдаги ишларнинг тизимли амалга оширилишида муҳим ўрин тутади. Бу аҳоли, айниқса, ёшларда инсонийлик, юксак ватанпарварлик туйғуларини камол топтиришга, уларни азалий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашга бунданда кенг йўл очади.

**Анвар ЧЎЛЛИЕВ, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани "Парвоз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

– Мамлакатимизда маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти сифатида шаклланди. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта "маҳалла" тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми аниқ белгилаб қўйилди. Бу тузилма бугун ўзини ўзи бошқариш идораси, ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида кенг кўламли фаолият олиб бораётир.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган, халқимиз манфаатларини таъминлайдиган муҳим йўналишлар белгиланди. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш кабиларни ўз ичига олади.

Бу каби вазифаларни амалга оширишда маҳалла муҳим ўрин тутади. Зеро, бу институтнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири бугунги кунда янада кенгаймоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантиришга оид чора-тадбирлар соҳадаги ишларни янги босқичга кўтариши шубҳасиз.

Айни пайтда мамлакатимизда ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тузилма аҳоли турли қатламлари манфаатларини ифода этиш баробарида, уларнинг фаоллигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Ўн мингга яқин аҳоли, ўндан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилаётган маҳалламизда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани бевосита аҳоли билан иш юритадиган маҳаллалар зиммасидаги масъулиятни янада оширди. Шундан келиб чиқиб маҳалла фаоллари ҳар бир хонадонга кириб бориш, мавжуд муаммоларни ҳал этишга эътиборни кучайтирган. Депутатлар, банклар билан бевосита ҳамкорлигимиз кучаяётгани ижобий натижалар бермоқда. Бу тадбиркорлик субъекти очиш, вақтинча ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтиришга замин яратмоқда.

**ЎзА мухбири**
**Норгул АБДУРАИМОВА**
**ёзиб олди**

# АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

***Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжумани "Республикамизда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлашда "Ўзстандарт" агентлигининг ўрни ва роли" мавзусига бағишланди.***

Унда иштирок этган агентлик мутахассислари тизимда амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот беришди.

"Ўзстандарт" бош метрологи Абдурауф Абдуқаюмовнинг таъкидлашича, Президентимиз ташаббуси билан Ҳазорасп, Ғиждувон, Ургут ва Қўқон шаҳри ҳудудларидаги эркин иқтисодий зоналарда "Ўзстандарт" агентлигининг илмий ишлаб чиқариш марказларини ташкил этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Бу ўз навбатида сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга амалий ёрдам беради.

Айтиш жоизки, "Ўзстандарт" агентлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда бозорларимизни сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини яхшилаш масаласига катта эътибор қаратмоқда.

— Агентликнинг Тошкент шаҳридаги 3 та ва Қашқадарё вилоятидаги 1 та синов лабораториялари халқаро даражада аккредитациядан ўтказилди, — дейди "Ўзстандарт" агентлиги бош мутахассиси Жамолиддин Мелибоев, — шунингдек, халқаро ҳамкорлик натижасида Швейцариянинг "SGS" компанияси билан маҳсулотларни синовдан ўтказиш бўйича ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бунинг натижасида 7 турдаги маҳсулотларга халқаро даражада синов баённомалари расмийлаштириш билан дунёнинг 140 давлатида тан олиниши таъминланди.

Бундан ташқари мазкур йилда 4 та синов лабораториясини халқаро даражадаги аккредитациядан ўтказиш режалаштирилган.

Минг афсуски, агентликнинг ҳудудий марказлари томонидан 2016 йилда 1 млрд. 962 млн. сўмлик маҳсулотлар яроқсиз деб топилди.

Бундан ташқари жорий йилнинг ўзида агентликнинг ҳудудий марказлари томонидан маҳсулотлар устидан 703 та инспекция назорати ўтказилиб, стандарт талаблари бузилганлиги сабабли 16 та мувофиқлик сертификати амал қилиш муддати вақтинча тўхтатилган, 52 та мувофиқлик сертификати бекор қилинган.

Кейинги йилларда "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Мувофиқликни белгилаш тўғрисида"ги ҳамда "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги қабул қилинган қонун ҳужжатлари яна бир бор аҳоли саломатлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлар, дейиш мумкин.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**З. ШАРИФЖОНОВ**

# МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР

***Мирзо Улуғбек тумани кўп тармоқли поликлиникасида буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 534 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

Тадбирда сўзга чиққан Мирзо Улуғбек тумани кўп тармоқли поликлиникасининг бош шифокори Шаҳло Исамуҳаммедова, ташкилий-услубий бўлим бошлиғи Жумагул Жўраева ва бошқалар темурийлар авлодидан бўлган улуғ ўзбек шоири ва давлат арбоби – Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхталиб ўтиб, ул зотнинг илм-фан ва маърифат ривожига катта аҳамият берганлиги, шоирлар, уламолар ва санъат аҳллари қаторида йирик тиббиёт олимларига ҳам ҳомийлик қилганлиги ҳамда унинг саройида табобат илмига берилган эътиборнинг юксак даражада бўлганлиги тўғрисида йиғилганларга батафсил тушунчалар бердилар.

Шунингдек, тадбирда қатнашган барча маърузачилар Бобур Мирзо ўзбек адабий тилининг ривожланишида ва адабиётимиздаги реалистик йўлни такомиллаштиришда унинг ғазал ва рубоийлари, қолаверса, "Бобурнома" асарининг жаҳон маънавияти хазинасидаги мавқеи ҳамда бу бебаҳо меросни ўрганиш орқали ҳар бир зиёли инсон ақлий салоҳияти ва билим даражасини оширишлари мумкинлиги ҳақида атрофлича таъкидлаб ўтдилар.

— Муассасамизда бундай маънавий-маърифий тадбирларни уюштириб туриш анъанага айланиб қолган, десам муболаға қилмаган бўламан. Бундан бир неча кун аввал Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳамда улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий таваллудига бағишланган бадиий кечаларни ташкил қилган эдик. Шифохонамизда бундай маърифий йиғилишларни ўтказиб туришимиздан мақсад биз – шифокорлар ва ҳамшираларнинг адабиёт, тарих соҳалари бўйича билимларини юксалтириш, қолаверса, китоб мутолааси ва илм олишга бўлган қизиқишларини оширишдан иборат. Мана шунда ҳар бир ходимимизнинг ишида унум бўлади. Зеро, шифокор маънавий бой бўлсагина, беморни сидқидилдан, виждонан даволай олади, — дейди Мирзо Улуғбек тумани кўп тармоқли поликлиникасининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул ходими Дилнозахон Эшонбоева.

Шундан сўнг Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланган тадбирнинг бадиий қисмида улуғ шоир ижодидан ўқилган ғазал, рубоий ва маснавийлар йиғилганларни хушнуд қилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бу каби тадбирлар барча юртдошларимизга ўзлигини англаш, миллий истиқлолимиз ва она Ватанимизга садоқат руҳини ошириш, давлатчилигимизнинг бой тарихий анъаналарини, кўҳна қадриятларимизни, ота-боболаримизнинг яратган бебаҳо мероси билан фахрланиш ҳиссини оширишда бой маънавий-маърифий манба бўлиб хизмат қила олади, деган фикрдамиз.

**Бахтиёр ЖЎРАЕВ**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъий назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

**2017 йил 23 март соат $10^{00}$да**

| № | Йўналиш рақами | Йўналиш номи | Жадвал сони | Ҳаракат таркиби тури |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 7А | "Тошкент вокзали АШБ – Нурафшон кўчаси" | 4 | Автобус |
| | 7Б | "Тошкент вокзали АШБ – Нурафшон кўчаси" | 4 | Автобус |
| 2. | 14М | "Истироҳат маҳалласи – Гулобод кўчаси" | 5 | Микроавтобус |
| 3. | 37М | "5-Болалар юқумли касалликлари шифохонаси – Жанубий вокзали АШБ" | 5 | Микроавтобус |
| 4. | 44М | "Белтепа мавзеси – Чорсу савдо маркази АШБ" | 4 | Микроавтобус |
| 5. | 47М | "Қўйлиқ М4 АШБ – Тузел 3-мавзеси" | 9 | Микроавтобус |
| 6. | 50А | "Юнусобод 9-даҳаси АШБ - М.Юсуф кўчаси бекати" | 6 | Автобус |
| 7. | 55М | "Қўйлиқ М4 АШБ – М.Юсуф кўчаси АШБ" | 12 | Микроавтобус |
| 8. | 66А | "Спутник-17 ҳарбий қисм – Тошкент вокзали АШБ" | 6 | Автобус |
| 9. | 75М | "Уйсозлар мавзеси – Феруза мавзеси" | 7 | Микроавтобус |
| 10. | 78М | "Қорасув 1-мавзеси АШБ – Авиасозлар АШБ" | 5 | Микроавтобус |
| 11. | 101М | "Уйсозлар мавзеси – Истиқлол кўчаси" | 5 | Микроавтобус |
| 12. | 128М | "Чуқурсой темир йўл станцияси бекати – Шаҳристон метро бекати" | 4 | Микроавтобус |
| 13. | 136М | "Қўйлиқ М1 АШБ – Олой бозори бекати" | 10 | Микроавтобус |
| 14. | 139М | "Сувсоз мавзеси – М.Юсуф кўчаси бекати" | 5 | Микроавтобус |
| 15. | 152М | "Авиасозлар АШБ - Бешёғоч майдони бекати" | 8 | Микроавтобус |
| 16. | 169М | "Учтепа ҳокимияти бекати – Учувчилар шаҳарчаси" | 10 | Микроавтобус |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори талаблари асосида тендерга такроран қўйиладиган йўналишлар

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 7И | "Дўмбиробод мавзеси – Чилонзор буюм бозори бекати" | 5 | Микроавтобус |
| 2. | 9Т | "Чилонзор 25-даҳаси АШБ – Тошкент вокзали АШБ" | 12 | Автобус |
| 3. | 12Т | "Бешкайрағоч мавзеси – Беруний метроси АШБ" | 2 | Автобус |
| 4. | 13Т | "Сувсоз мавзеси – Тошкент вокзали АШБ" | 10 | Автобус |
| 5. | 17Т | "Бекобод мавзеси – Чилонзор буюм бозори АШБ" | 11 | Автобус |
| 6. | 53А | "Ўриксор мавзеси АШБ – Истиқлол кўчаси бекати" | 9 | Автобус |
| 7. | 66М | "Сергели қўрғони – Тошкент вокзали АШБ" | 7 | Микроавтобус |
| 8. | 88А | "Ибн Сино 2-мавзеси – М.Юсуф кўчаси бекати" | 12 | Автобус |
| 9. | 115М | "МЖБК бекати – Дўстлик метроси АШБ" | 4 | Микроавтобус |
| 10. | 137А | "Молия лицейи – Тошкент вокзали АШБ" | 5 | Автобус |
| 11. | 144А | "Ўзбекистон жамоа хўжалиги – Тошкент МУМ АШБ" | 8 | Автобус |
| 12. | 147А | "Чорсу савдо маркази АШБ – Чинни бозори бекати" | 12 | Автобус |
| 13. | 183М | "Қўйлиқ М4 АШБ – Бинокор қўрғони" | 5 | Автобус |

**Тендер ташкилотчиси** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ХАТБ "ORIENT FINANS BANK"нинг Юнусобод филиалидаги ҳ/р **2021 0000 0041 9797 1001** (банк коди 01075, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **326 000 сўм** ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат $17^{00}$да) тўхтатилади.

**Тендер ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

**Маълумот учун телефон рақами:** 233-89-58

